



Гулчехра Агзамова

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси Тарих институти
бош илмий ходими, тарих фанлари
доктори, профессор.

E-mail: gulaziz@mail.ru

МАНҒИТЛАР СУЛОЛАСИ ДАВРИДАГИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРИХИДАН (XVIII-XIX ЮЗЙИЛЛИКНИНГ ЎРТАЛАРИ).

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17605905>

Аннотация. Мақолада Бухорода 18-19-юзйиллик ўрталарида Манғитлар сулоласи даврида таълим соҳасининг ҳолати, мактаб ва мадрасаларнинг аҳоли ҳаётида тутган ўрни, уларда ўқитиладиган фанлар ва дарсликлар, мадрасалардаги мударрис ва талабаларнинг ижтимоий аҳволи, таълим муассасаларининг таъминоти ва кундалик ҳаёти каби масалалар ҳақида маълумотлар берилади ва улар таҳлили асосида айрим мулоҳазалар илгари сурилади.

Калит сўзлар: Манғитлар, таълим тизими, мактаблар, мадрасалар, мударрислар, толиблар, хорижлик талабалар, ўқув масканлари таъминоти, вақфлар, мадрасаларни бошқарув тизими, мутавааллий.

Туркистоннинг маданият ўчоқларидан бири сифатидаги аҳамияти 16-19-юзйилликлар мобайнида ҳам даврга мос равишда ривожланиб бори. Тарихий воқелигининг силсилали йилларида ва бу ерда ҳукмронлик қилган сулолалар даврида ўзбек давлатида кечган сиёсий

қарама-қаршиликлар ва ўзаро урушлар мобайнида, табиийки, маданий ривожланишнинг издан чиқиши кузатилади. Аксинча, марказлашган ҳокимиятнинг салоҳияти кучли бўлган, нисбатан ўрнатилган сиёсий барқарорлик йилларида эса маданият соҳаларнинг юксалиши кўзга ташланади. Шу билан бирга, том маънодаги ижодкор, меҳнатсевар халқ яшаган Туркистонда, давр ва тарихий воқеликнинг турли инжиқликларига қарамай маданий ривожланиш йўқ бўлиб кетмаганлиги, аксинча, унинг анъана ва тажрибалари сақланиб қолиб, давом эттирилгани ҳамда ижодий ривожлантирилгани кўзга ташланади. Бунини Манғитлар сулоласи ҳукмронлиги йилларидаги жамият маданий ривожининг муҳим кўрсаткичи бўлган таълим тизими орқали кузатиш мумкин.

Манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида ҳам амирликнинг турли марказлари ўзининг маърифат, илм-фан маркази сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолди. Амирликда аҳолининг саводхонлигини ошириш мақсадида масжидлар ҳузурида ташкил этилган мактаблар, аҳолининг илмга ташна вакиллари учун очилган кўпдан-кўп мадрасалар мавжуд бўлиб, улар илм-фан ўчоқлари вазифасини ўтаганлар. Мадрасаларда нафақат ушбу марказ, балки қўшни қишлоқ ва шаҳарлар, бошқа хонликлар, дашт ва хорижий юртлар аҳлининг илмга ташна вакиллари кўплаб учратиш мумкин эди.

Таълим тизимида бошланғич мактаблар муҳим ўрин тутган. Амирликда мадрасалар билан бир қаторда бошланғич таълим масканлари мактаблар кўп бўлган. Одатда, мактаблар маҳалла масжидлари қошида мавжуд бўлган. Жумладан, пойтахт шаҳар Бухорода 19-юзйилликнинг биринчи ярмида, ундаги кўчалар сонига мос равишда 360 та масжид бўлиб, ҳар бир кўчада жойлашган масжид қошида мактаблар ҳам мавжуд эди. Бунда аҳоли фарзандлари савод чиқарганлар. “Кўпгина масжидлар қошида мактаблар ташкил этилган бўлиб, уларда ҳамма ёшдаги кишилар ўқиш ва ёзишни ўрганадилар“, – деб ёзган эди шоҳидлардан бири [6. С.24].

Бошланғич таълим беришга ихтисослашган мактаблар амирликнинг турли марказларида, қишлоқларда кўп эди. Бухоронинг ўзида ҳар бир кўчасида мавжуд бўлган мактаб бирор сармоядорнинг маблағи ёки Амирнинг буйруғига асосан аҳоли саъйи-ҳаракати бидан тўпланган маблағ ҳисобидан қурилган [8. С.210]. Шунингдек, мактаблар гузарлар масжидлари, баъзан мадрасалар таркибида алоҳида биноларда жойлашган эди. Улар асосан вақфлар билан таъминланган эди. Кичикроқ мактаблар эса, одатда вақфга эга эмас эдилар.

Мактаблар – мактабхоналар жамият ҳаётида муҳим ўрин тутган. Уларда таълим олувчилар ўқиш ва ёзиш, Қуръон асосларидан сабоқ олганлар. Унда ўқувчилар Алифбо, Қуръон, Чоркитоб ва бошқа диний китоблар билан бирга, Хўжа Ҳофиз, Мирза Бедил асарлари, “бешта турк китоби” – Китоби Фузулий, Лисон ут-тайр, Девони Амири Навоий, Ҳувайдо, Қиссаи Девонаи Машрабни ўқиганлар. Мактабларда 7 ёшдан 12 ёшгача таълим олганлар [8. С.210]. Мактабларда ўғил ва қиз болалар алоҳида ўқитилган.

Дарслар эрталабдан соат бешгача давом этган. Ўқувчиларга тушлик пайтида уйига бориб, нон олиб келишларига рухсат берилган. Уларга мадрасалар толибларидан фарқли равишда таътил берилмаган. Фақат жума куни дам олиш куни ҳисобланган. Одатда мактабларга 5-12 ёшдаги болалар ўқитилган. Мактаблардаги ўқиш муддати 7 йил давом этган. Мактаблар эгаси мактабдор деб аталган.

Туркистоннинг йирик илм-фан марказларидан бири сифатида танилишида мадрасалар муҳим ўрин тутган. Мадраса – олий ўқув юрти, арабчасига дарс ўтиладиган жой маъносини англатади. Одатда бу атама билан таълим бериш учун махсус қурилган бинолар англатилган.

Амирлик барча марказларида олдинги юзйилликлардаги каби мадрасалар мавжуд бўлган ва уларнинг сони ортиб борган. Шундай марказлардан бири Самарқанд эди. Ҳасанхожа Нисорий (16-юзйиллик) томонидан “Кўплаб олиму фозиллар ўтган”, мавлонолари

кўпинча ҳақиқий илмлар билан шуғулланадиган, деб таъриф берилган Самарқанднинг [10. Б.32] илм-маърифат маскани сифатидаги аҳамияти кейинги асрларда ҳам сақланиб қолди. Буни Мир Муҳаммад Амин Бухорий қуйидаги маълумоти ҳам тасдиқлайди. Тарихчи 18-юзйиллик бошларида Бухоро ҳукмдори Убайдуллахоннинг ушбу шаҳарда бўлишига оид хабарида: “Ҳукмдор қаршисига “Олимлар ва толиблар ўз мадрасаларидан чиқдилар ва (ўз) асарларини тақдим этдилар; ширинсуҳан шоирлар жозибадор шеърларида олампаҳоқни мадҳ этдилар”, – деб қайд этган эди [4. С.56].

Манғит амирлари Самарқандда таълим тизимида муҳим ўрин тутган мадрасалар қурилишига катта эътибор қаратдилар. Жумладан, бу марказда Амир Ҳайдар томонидан 1812 йилда Олий мадраса бунёд этилган эди [2. Б.29]. 19-юзйилликда Абу Тохирхожанинг кўрсатишича шаҳарда Шоҳизинда, Тиллақори, Шердор ва Улуғбек мадрасаларидан ташқари, Сафид, Шайбоний-хон, Орифжонбой, Турба, Хўжа Зумрад, Турдали, Розик сўфи, Махсум Хоразм мадрасалари фаолият юритган [2. Б.29]. 19-юзйиллик бошларида ҳам Мир Иззат Улланинг кўрсатишича, Самарқанднинг асосий мадрасалари вазифасини Шердор ва Тиллақори мадрасалари ўтаган [5. С. 195]. Манғит амирлари бу мадрасаларнинг ҳолати, таъмирланиши борасида кўп саъй-ҳаракатларни амалга оширганлар.

Йирик таълим марказларидан бири сифатида Бухоро ҳам машҳур эди. Сатторхон Абдулғаффоров (19-юзйиллик) ҳаққоний равишда, Бухоро доимо илм тарқатувчи марказ “ҳисобланган ва ҳисобланади”, – деб қайд этган эди [7.]. Шоҳидлардан бири “Бухоро ... ундаги ўқув масканлари сони ва саводхонлар сони бўйича” Туркистонда биринчи ўринни эгалламоғи лозимлигини қайд этган эди [8. Б.206].

Таълим ва илм-фан, маърифат тарқатувчи марказлар сифатида мадрасаларнинг аҳамиятини тушунган, тарихда ўз номини мухташам бинолар қуриш билан қолдиришга ҳаракат қилган айрим ҳукмдорлар, амалдорлар, диндорлар, савдогарлар ва бошқа шахслар томонидан кўплаб мадраса, масжид, ҳонақолар қурилган эди. Хусусан, шаҳарда

Раҳмонқули мадрасаси (1794-1795), Эрназар Элчи мадрасаси (1794-1795), Домла Турсунжон мадрасаси (1796-1795), Халифа-Ниёзқул мадрасаси (1807) ва бошқалар қурилган эди.

Манғитлар давридаги Бухоро мадрасаларининг сони ҳақида турлича маълумотлар мавжуд. Хусусан, 19-юзйиллик бошларида ҳиндистонлик Мир Иззатулланинг кўрсатишича, Бухорода 80 та мадраса бўлиб, уларнинг каттаси “Хўжа Баҳовиддин” дарвозаси яқинидаги Кўкалдош мадрасаси эди [5. С.201]. шу юзйилликнинг 40-йилларида Н. Ханиковнинг кўрсатишига кўра, Бухорода амир рўйхатида қайд қилинган 103 та мадраса бўлиб, улардан 60 таси энг катта мадраса ҳисобланар эди. Уларнинг энг машҳурлари – Кўкалдош, Мирза Улуғбек, Заргарлар, Турсунжон, Ҳиёбон, Гаукушон мадрасалари ва бошқалар эди [8. С. 85-86]. Шу юзйилликнинг 30-йилларида инглиз А. Борнс эса шаҳарда 366 та “катта ва кичик” мадрасалар бор, деб кўрсатар экан, улар бозорлар, ҳаммомлар, атрофдаги ерлардан келадиган даромадлар ҳисобига кун кўришини ёзиб, мадрасалар толиблари орасида “Эрондан ташқари ҳамма мамлакатлар кишиларини учратиш мумкин. Улар етти ёки саккиз йиллик ўқув курсини тугатиб, ўз ватанларига билим захираси ва машҳурлик билан қайтадилар”, – деб қайд этган эди [3. С.431]. Бироқ, булар аниқ маълумотлар эмаслигини қайд этиб ўтиш лозим.

Амирликнинг бошқа марказларида ҳам мадрасалар қурилишига катта эътибор қаратилган. Улардан бири Қарши бўлиб, унда Амир Ҳайдар ҳукмронлиги даврида “сут сотиш билан шуғулланувчи аёл Гулининг маблағига бир мадраса бунёд этилган эди” [8. С.112]. Мадрасаларда нафақат маҳаллий аҳоли, балки қўшни шаҳар ва қишлоқлар, дашт ва хорижий мамлакатлар вакиллари ўқишга келар эдилар. Бир шаҳарнинг ўзида ҳам баъзи мадрасаларнинг илмга ташна айрим талабалари бир мадрасадан иккинчисига, бир шаҳардан иккинчисига кўчиб юра олардилар. “Ўрта Осиёнинг ҳамма мадрасаларида, Бухоро ва Хива бундан мустасно эмас, бир хил фанлар

бир хил дастур асосида ўқитилган”, деб қайд этади Қўқон хонлиги ҳақида ёзган муаллиф [7. С.171].

Мадрасалардаги ўқиш муддати чекланмаган эди. Кўп ҳолларда у талабаларнинг меҳнатсеварлиги ва қобилиятига боғлиқ эди. Мадрасани битириш форс ва араб тилларини ўрганишни тугатганликни, мантиқ ва шариат асосларини, шунингдек, бошланғич геометрия ва 4 амал арифметик ҳаракатларни ўрганганликни ҳам билдирар эди. Талабалар учун турли фанлар – грамматика, ҳуқуқшунослик, диний-илоҳиётдан сабоқ берилган. Шу жумладан, талабалар мантиқ, илми баён, илми миён, усули фикх, илми фароиз, илми кироат, илми ҳисобни ўрганганлар. Бу фанлар билан бир қаторда талабалар мунозара илмини ҳам эгаллаганлар. Талабалар доимо бахслашганлар. Бундай усул улар тафаккурини чархлашга хизмат қилган.

Мадрасада толиблар дарс бериш ҳуқуқига эга бўлган бир ёки икки олим (мударрис) қўлида таҳсил олганлар.

Талабалар мадрасадаги ўқиш давомида ўқув дастури назарда тутган 137 та китобни ўрганишлари лозим бўлган [8. С.223]. Шу билан бирга толиблар ўз билимларини кутубхоналардаги китобларни ўрганиш орқали ҳам тўлдириб борганлар. Биргина Бухоро шаҳрининг ўзида 50 та катта кутубхона бўлганлиги аниқланган [1. Б.113-139]. Мадрасалар қошида кутубхоналар ҳам мавжуд бўлган. Одатда мадрасанинг бир ҳужраси кутубхона учун ажратилган. Дарсликлар, қўлёзма асарлар мадрасаларнинг ўзида кўчирилган. Кулбобо Қўқалдош мадрасаси китоблар кўчириш бўйича салмоқли ўринлардан бирини эгаллаган.

Мадрасаларда таълимнинг ташкил этилиши ҳам алоҳида эътиборга лойиқ масалардандир. Уларда дарслар ҳафтанинг тўрт куни – шанба, якшанба, душанба ва сешанба кунлари ўтказилган. Бу даврда муаллим – мударрис мадрасада қолган, бошқа кунлари эса уйида яшаган. Талабаларга ҳам ўзига хос эркинликлар берилган бўлиб, уларнинг келиб-кетиши ҳам эркин эди [1. Б.171].

Чоршанба, пайшанба, жума кунлари дарслар бўлмаган. Рамазон пайтлари олий ҳукмдорнинг буйруғи билан мадрасаларда дарслар ўтказилмаган.

Мадрасалар асосан турли марказларда мавжуд бўлар эди. Бошланғич сабоқ берувчи мактаблар эса шаҳар ва қишлоқларда, масжидлар ҳузурида мавжуд бўлар эди.

Ҳукмрон табақа вакиллари мактаб ва мадрасаларга ҳомийлик қилишга ҳаракат қилганлар. Хусусан, турли кўчмас мулк хилларидан келадиган даромадлар улар фойдасига вақф этилган бўлиб, бундан мадрасанинг мударрислари маош олганлар, унинг бир қисми мадрасаларни таъмирлаш ишига ва талабаларнинг эҳтиёжларига сарф этилган. 19-юзйилликда Бухорога оид маълумотларга кўра, асосий тушумларга қўшимча равишда амир томонидан закот солиғидан бир қисми диний мақсадлар, шу жумладан мадрасалар учун ажратилар эди [5. С.197]. Уларни вақфлар билан таъминлаш ишига жамиятнинг бошқа вакиллари ҳам катта ҳисса қўшганлар.

Мадрасалар бошқарув тизими ҳам диққатга лойиқ масалалардандир.

Бошқарув тизимининг бош бўғини тепасида олий ҳукмдор турган. Мадрасага оид вақф ҳужжатлари кўпинча уларнинг муҳрлари билан тасдиқланган.

Мадрасани иқтисодий таъминлашда муҳим ўрин тутган вақфларнинг жорий этилиши ва фаолият юритиши учун қози назорати талаб қилинган. Бу иккинчи олий бўғинни ташкил этган. Вақф ҳужжатлари қози ул-қуззот томонидан расмийлаштирилган ва унга албатта қозиинг муҳри қўйилган

Таълимни бошқарув тизимида садрлар ҳам муҳим ўрин тутган. Улар Бухоро шаҳри мисолида тасдиқланишича, ушбу марказ атрофида бир фарсах масофада жойлашган ўқув даргоҳларининг иқтисодий фаолиятидаги муаммоларни ҳал қилганлар. Хизматлари учун айрим мадрасалардан «садрона» ҳақи олганлар.

Бошқарув тизимида олимлар ясавули ҳам муҳим ўрин тутган. У таълимни бошқарувнинг юқори бўғинларига мамлакатда ўқув мавсумининг бошланиши ва якунланаётганлиги, мадрасалардаги мударрисларнинг бошқа мансабга ўтиши, бўш қолган ўринларга ўқитувчиларни тайинлаш ҳақида олий ҳукмдорга расман ёзма мурожаат қилган.

Шунингдек, мадрасалар ўзининг ички бошқарувига ҳам эга бўлган. Бу тизимни шартли равишда ўқув жараёни ва маиший хизматлар бошқарувига бўлиш мумкин.

Ўқув жараёни бошқарувида мутаваллий асосий ўринни эгаллаган. Мутаваллий ўзи фаолият юритаётган ўқув даргоҳи ва таълим соҳасига алоқадор ҳокимият амалдорлари ўртасидаги ижтимоий муносабатларга масъул эди. Одатда ўқиш жараёнини бошқариб борган бу шахс номи мадраса фаолияти аниқ белгилаб қўйилган Вақф ҳужжатида қайд этилган ва унинг вақф мулкидан келадиган даромаддаги улуши аниқ белгилаб қўйилган. Масалан, Бухородаги Хожа Муҳаммад Порсо мадрасасида воқифнинг ўзи вақф мулкига мутавалли бўлиши, ундан кейин бу вазифани авлодлари давом эттириши ва ҳосилдан ушр (1/10) олиши кўрсатилган.

Мадрасалар бошқарувида мутаваллийдан кейинги ўринда мударрис турган эди. Унинг иш куни ва вақф қилинган мулкдан келадиган даромаддан унга ажратиладиган улуш, у томонидан ўқитиладиган «шаръий илмлар» Вақф ҳужжатида белгиланган.

Амирликда мадрасалар бир неча даражаларга бўлинган. Биргина Бухорога оид ҳужжатли маълумотларнинг кўрсатишича, улар бешта тоифага бўлинган. Энг юқори даражадаги олий тоифага мансуб биринчи ўринда турувчи мадрасада “охунд” ва унинг ўринбосари “аълам” нинг ўзи мударрислик қилган. Бухорода икки мадраса – Кўкалдош ва Гаукушон мадрасалари бу тоифага кирган. Иккинчи даражадаги олий мадрасаларда асосан “муфтийлар” мударрислик қилганлар. Навбатдаги олий даражадаги мадрасаларда банорас тўнли мударрислар таълим берганлар. Бу тоифадаги мударрисларнинг

бундай аталишига сабаб уларнинг илмий салоҳиятини юқори баҳолаган олий ҳукмдор томонидан уларга ҳадя этилган сарпо таркибида банорас тўн ҳам бўлиб, Бухорода бундай тўнни кийиш шарафига қирқ битта олий тоифадаги мударрис сазовор бўлган. Муфтийлик лавозими бўшаса, улардан бири муфтийликка ўтказилган [1. Б.72].

Тўртинчи даражаги олий мадрасаларда банорас тўнли мударрислар билан бир қаторда илми уларниқидан қолишмайдиган мударрислар дарс беришган. Охирги тоифа мадрасаларининг моддий таъминоти паст даражада бўлиб, уларда асосан маоши камлиги сабабли илмий даражаси юқори бўлмаган ва эндигина мадрасани тугатган талаба, саловатхон, ҳидояхон, таҳзибхон, саҳиҳхон кабилар мударрислик фаолиятини олиб борган [1. Б.59-61].

Мударрисларга маош тўланиб, уларнинг миқдори турлича бўлган. Н.Ханиковнинг кўрсатишича, Бухородаги Кўкалдош мадрасасининг мударриси 360 тилла миқдорида маош олган [8. С.240]. Ҳужжатлар маълумотларининг кўрсатишича, пойтахт шаҳарда жойлашган Мир Араб мадрасасининг мударриси 11000 танга, Девонбеги мадрасаси мударриси 2600 танга, Абдуллахон ғарбий мадрасаси мударриси эса 100 тилла миқдорида маош олганлар [1. Б.94].

Талабаларнинг моддий таъминотига ҳам катта эътибор қаратилган. Уларга вақф даромадидан муайян миқдорга пул ва дондун ва бошқалар берилган. Масалан, Бухородаги Надр девонбеги мадрасаси талабаларига йилига 30 танга ва 10 ман ғалла берилган [1. Б.103].

Мадрасаларда яшаган талабаларнинг турар-жой – хужралари учун ҳам вақфдан маблағ ажратилган. Хусусан, Бухородаги Мирзо Усмон сарроф мадрасаси талабалари ўзлари эгаллаган хужраларга йилига 40 танга тўлашлари керак бўлган. Бу маблағни талаба вақфдан ажратилган маблағдан қоплаган.

Талабалар қоғоз билан ҳам таъминланганлар. Мадрасалар учун жиҳозлар сотиб олиш учун ҳам вақф мулкидан маблағ ажратилган.

Улар жумласига кигиз, бўйра, шам, сотиб олиш учун ажратилган маблағларни киритиш мумкин. Жумладан, Бухородаги Калабод мадрасаси мутаваллийси, вақф мулкидан келадиган маблағдан ҳар икки йилда масжид ва мадраса дарсхонаси учун ўнта кигиз, ҳар йили янги бўйра сотиб олиши лозим бўлган. Гавкушон мадрасаси масжиди учун ҳам ҳар икки йилда кигиз ва бўйра сотиб олинган. Бухородаги Равгангарлик ва Рангрэзлик гузаридаги бакқоллик дўконлари Асирий мадрасаси учун вақф қилинган бўлиб, улардан тушган маблағ чирок, ёғ кабиларни харид қилишга ишлатилган [1. Б.103-106].

Мадрасаларда озиқ-овқатлар сотиб олиш ҳам учун маблағ ажратилган. Бундай мақсадда маблағ ажратиш, айниқса, Рамазон ойида фаоллашган. Хусусан, Калабод мадрасасига оид вақф ҳужжатида кўра, Рамазон ойида ҳар куни нон учун 1 ман ун ва ҳалим тайёрлаш учун 1 ман буғдой сотиб олинган. Бир мисқоллик тўрт кумуш тангага гўшт ва масалликдар харид қилиниб, ҳалим пиширишга ишлатилган. Бу овқатлар мадрасага келган кишиларнинг ифторлигига берилган. Ушбу ойда ҳар куни таом ош пиширувчига чорак танга ажратилган [1. Б. 107].

Рамазон ойи билан биргаликда ражаб ойи, рўза ва курбон ҳайитлари, Наврўз кунлари ва ҳатми хожагон килувчилар учун маблағ ажратилган. Жумладан, Бухородаги Болойи ҳовуз мадрасасида гуруч, гўшт ва мева-чевалар сотиб олишга 5 ҳисса маблағ берилган.

Вақф мулкидан мадрасалар учун идиш-товоқлар, кийим-кечак учун ҳам маблағ ажратилган.

Талабаларга маблағ, жой, баъзи ҳолларда бошқа бошқа моддий маблағлар ажратишда муайян даражада табақалашган ёндошувга амал қилганлар. Бу ўринда қайд қилиш лозимки, талабалар адно (куйи), авсат (ўрта) ва аъло (юқори) тоифаларга бўлинган эди. Ушбу бўлинишга мувофиқ уларга моддий ёрдам кўрсатилган. Хусусан, талабалар вақф маблағидан 3 ҳисса олган. Аднога 1 ҳисса, авсатга 1 ҳамда аднога бериладиган 1 ҳисса микдорининг ярмича, аълога 1 ва авсатга бериладиган ҳисса микдорининг ярмича ҳақ берилган. Талаба

шариатга хилоф ишлар билан шуғуллангани сезилса, узрли сабабсиз икки ойу ўн кун ўқишни тарк этса, у ўқиш жараёнидан четлатилган.

Мадрасаларда бир қатор вазифаларни бажарувчи шахслар бўлиб, улар ўз фаолияти билан ўқув даргоҳлари ҳаётида муҳим ўрин тутган эдилар. Жумладан, мадрасада масжид имоми ҳам фаолият юритган. У мадрасадаги ибодат талабларини адо этган ва хизматига яраша низомда кўрсатилган тартиб бўйича ҳақ олган.

Муаззин мадрасадаги масжидда азон айтган ва унга ҳам хизматига яраша ҳақ тўланган.

Мадрасаларда сарторош ҳам хизмат кўрсатган. У ҳафтасига бир марта келиб, ўз вазифасини бажарган.

Фаррошлар ҳам мадрасалар ҳаётида муҳим ўрин тутганлар. Улар тозаликка масъул эдилар.

Шундай қилиб, Манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида ҳам амирликнинг турли марказлари ўзининг маърифат, таълим ўчоқлари сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолди. Амирликда аҳолининг саводхонлигини ошириш мақсадида масжидлар ҳузурида ташкил этилган мактаблар, аҳолининг илмга ташна вакиллари учун очилган кўпдан-кўп мадрасалар бўлиб, улар мавжуд анъаналар асосида бошқарилган. Уларни битириб чиққан собиқ толиблар амирликнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўринга эга бўлганлар. Улар илм-фан ва маданият равнақига ўз муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Шу билан бирга амирликда мавжуд илм ўчоқлари нафақат Туркистон, балки унга қўшни ва узоқ хориждаги халқларнинг таълим, илм-фан борасида интеграцияси ривожига хизмат қилган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Абдусаттор Жуманазар. Бухоро таълим тизими тарихи. Тошкент, 2017. 597 бет.

2. Абу Тохирхожа Самарқандий. Самария /Форсчадан А. Саторий таржимаси; Маъсул муҳаррир С. Айний, Б. Ахмедов // Мерос. – Т., 1991. Б. 5-82.

3. Борнс А. Путешествие в Бухару: рассказ о плавании по Инду от моря с подарками Великобританского короля и отчет о путешествии из Индии в Кабул, Татарию и Персию, предпринятом ... в 1831, 1832 и 1833 годах лейтенантом ост-индской компанейской службы Александром Борнсом. – М.: Университ. тип., 1848-1849. Ч. II. 502 с.

4. Мир Мухаммад Амин-и Бухари. Убайдулланаме / Пер. с перс.-тадж. А.А. Семенова. – Т.: Фан, 1957. 326 с.

5. Путешествие Мир Иззет Уллы от границы Кокандского ханства до города Самарканда // Труды САГУ. Нов. сер. Вып. ХС. Ист. Кн. 14. Сер. История. Ташкент. 1957. С. 193-212.

6. Русские в Бухаре в 1820 году (Записки очевидца) // Турк. сб. – Спб., 1880. – Т. 239. С. 1-45.

7. Саттархан Абдуль-Гафаров. Краткий очерк внутреннего построения Кокандского ханства перед завоеванием его русскими // Туркестанские ведомости. 1892. № 26, 29, 36, 1893. № 61.

8. Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. Санктпетербург. 1843. 279 с.

9. Хорошхин А.П. Самарканд (Листки из памятной книжки) // Сб. ст., касающихся до Турк. края А.П. Хорошхина. – Спб., 1876. С. 184-238.

10. Хасанхожа Нисорий. Музаккири ахбоб (Дўстлар ёдномаси)/Форс тилидан Исмоил Бекжон тарж. – Т.: Мерос, 1993. – 343 б.

FROM THE HISTORY OF THE EDUCATION SYSTEM DURING THE REIGN OF THE MANGIT DYNASTY (THE MIDDLE OF THE 18TH - 19TH CENTURIES).

Abstract. The article examines the state of educational institutions in Bukhara in the middle of the 18th - 19th centuries during the reign of the Mangit dynasty, including the role of maktab (schools) and madrasas in the life of the population, the subjects and textbooks included in the educational process, as well as the social status of teachers and students of madrasa, the

financial support of the institutions and the daily life of students, and based on these topics some conclusions and conclusions are put forward.

Keywords: Mangits, education system, maktab (schools), madrasas, mudarrises, Taliban, foreign students, provision of educational institutions, waqfs, madrasa management system, mutawalli.

ИЗ ИСТОРИИ СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ В ПЕРИОД ПРАВЛЕНИЯ ДИНАСТИИ МАНГИТОВ (СЕРЕДИНА XVIII – XIX ВВ.).

Аннотация. В статье прослежены состояние образовательных учреждений в Бухаре в середине XVIII – XIX вв. в период правления династии Мангитов, роль мактабов и медресе в жизни населения, в том числе предметы и учебники, включенные в образовательный процесс, также социальное положение преподавателей и студентов медресе, включая финансовое обеспечение учреждений и повседневную жизнь учащихся, и на основе их исследования выдвинуты некоторые выводы и заключения.

Ключевые слова: Мангиты, система образования, мактабы, медресе, мударрисы, талибы, иностранные студенты, обеспечение учебных заведений, вакфы, система управления медресе, мутавалли.